

**ЛОЙИХА –СМЕТА, (ҚИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ
ШАРТНОМАСИ № 17751**

Фарғона шаҳри

2022 йил “28” апрель

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фарғона вилоят ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Х.А.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “OLTIARIQ-INNOVATSIYA” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари А.Валижонов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўгрисида»ги конуни, Қурилиш меъёрлари ва коидалари (КМК 1.03.01) хамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид карорларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

1.Шартнома мавзуси

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Фарғона вилояти Данғара тумани Истиқлол МФЙда (*Кудук ва Орол қишилеклари*) жойлашган 21-сонли мактаб(9x18 спортизал қуриши)ни реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш (APT, ATTA лойиҳаси, топография ва геология, техник кўрик ишлари ҳаражатлари билан бирга) мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус хисоб ракамига маблаг ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

- 2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 й. « 26 » апрель кунги харид комиссиясининг 17751-сонли баёнига асосан жорий нархларда **47 000 000 (кирқ етти миллион)** сўмни, шу жумладан қўшимча қиймат солиги **15% - 6 130 435 сўмни** ташкил этади.
- 2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан 5 кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “ 3 ” майда буюртмачига тўлиқ топширилади.
- 2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;
 - ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- 2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3.Пудратчининг мажбуриятлари

- 3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва-барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан тасдиқланган ҚМК, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради хамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;
- 3.2. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъкиланади.

4.Буюртмачининг мажбуриятлари

- 4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
 - мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
 - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5.Тўловлар ва хисоб-китоблар.

- 5.1. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % микдорида авансни ўтказади.
- 5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул килингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб колган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус хисоб

ракамига маблағ ажратылғандан сүнг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалға оширилади.

6.Ишларни бажариш

6.1. Пудратчи лойиха-СНИП ишларига лойиха бош мухандисни тайинлайди.Бош мухандис лойиха-смета хужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошка меъёрий хужжатларга мувофик ишлаб чиқилишини назорат килади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилётган ишлар ҳакида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Пудратчи лойиха-смета хужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли килиб бажаради.

7.Ишларни топшириш ва қабул қилиш

7.1. Пудратчи томонидан тайёрланган лойиха-смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги хузуридаги “Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган хulosасига кўра, тўпланган хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойихаолди, лойиха, тендер ҳужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3550-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараккиёт ва камбағаликкни кисқартириш вазирлиги хузуридаги “Лойихаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза килиш маркази” ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий хulosаси олингандан сүнг, Пудратчи З кун мобайнida лойиханинг ишчи хужжатларини З нусхада, смета хужжатларини 1 нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо кўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Пудратчи ушбу накладной асосида Ф-3 счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим қилади.Лойиханинг ишчи хужжатлари юкоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган хисобланади.

7.2. Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четта чиқшлар ёки бошка камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул килаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин 10 кун муддатда Пудратчини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни киска муддатда бартараф этилишини талаб қилади. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз хисобидан бартараф қилади.

8.Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса, томонлар бундай мажбуриятларни кисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

9.Кафолатлар

9.1. Пудратчи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-тъмириш ишлари давомида лойиха-смета хужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлайди;

10.Томонларининг мулкий жавобгарлиги

10.1. Буюртмачи Пудратчига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли кисмини тўлайди.Пудратчи тайёрланган лойиха-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзгатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида катнашишга мажбур.

10.2. Пудратчи лойиха-смета хужжатларида камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараённида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари ва бажарилган қидиув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараённида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади.Лойиха-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талби билан лойиха-смета хужжатларини бепул кайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофик зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди; Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, тегишли дастур буйича лойиҳа ишларинга маблаглар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирганинига ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод килмайди.

10.4. Пудратчи ишларни ўз вактида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Курилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида объектда лойиҳа-смета хужжатлари билан боғлик муаммоли холат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар хисобланади ва ушбу холат билан боғлик заар тўлигича Пудратчидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод килмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг холосаси асосида ишларни қабул килиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортishi, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хукукига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкири шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган ҳаракатларда, мол-мulkнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни қоплайди.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

10.8. Компания бюджетдан маблаг олувчи ташкилот хисобланганлиги сабабли, объектга бюджетдан маблаг ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия бошкармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошкармасидаги маҳсус хисоб ракамига маблаг ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам хисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 350-моддаси 1-кисмiga кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари куйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг хужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

11. Коррупцияга карши қурашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши қурашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар кандай ҳатти-харакатларни амалга оширмаслик;
- шу жумладан, пора таклиф килмаслиги, вайда бермаслиги, товламачилик килмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;
-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси конунларига зид бўлган хатти-харакатлари, шу жумладан коррупциявий хукуқбузарликларни содир этганилиги хакида алоқа каналларига мурожаат килиши мумкин.

12. Низоларни ҳал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фаргона туманиларо иқтисодий суди томонидан кўриб чикилади.

13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга кадар архитектура-шарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу карор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аникланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганини маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараккиёт ва камбагалликни қискартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топширикнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шахарсозлик ҳужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

13.3. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб колса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4. Шартномани бекор қилишга карор килган томон иккинчи томонга ёзма равиша билдиришнома юборади.

13.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл кўйилмайди.

14. Алоҳида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Фаргона вилоят Газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома З (уч) нусхада тузилди. Уч нусха хам айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

15. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи

Фаргона вилоят хокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати”

Манзили: Фаргона ш. Темирйўл кўчаси 37-ўй

Тел/факс 244-52-24

ШХР 30182186030401709 &01075016.

Ташкилотнинг: СТИР 204816336 ОКЭД-

Фаргона вилояти бўйича Газначилик бошқармаси

ЯФХ : 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО: 00014 Газначилик бўлинмасининг

СТИР-201 122 919

Рахбар

Х.Долимов

М.

М.

Хукуқшунос

М.

«Пудратчи»

“OLTIARIQ-INNOVATSIYA” МЧЖ

Манзил: Олтиарик т. Қапчугай к-ти, Водил кўчаси

Тел: 998-90-537-90-03

Х/Р: 20208000005153557001


Банк: Инфинбанк Фаргона филиали

МФО: 01128 ИНН: 306 927 580

ОКОНХ №1100

Директор

А. Валижонов



2021